



## **International Conference on Education, Psychology and Humanities**

Hosted Online from Moscow, Russia

Date: 28<sup>th</sup> February, 2026

Website: <https://econferencia.com>

---

### **ТАРБИЯ ЖАРАЁНИ ЎҚИТУВЧИ ВА ЎЎУВЧИЛАР ЎРТАСИДАГИ ЎАМКОРЛИК ЖАРАЁНИДИР**

У. Д. Муродова

“Сурдопедагогика ва махсус педагогиканинг клиник асослари”  
кафедраси доценти, Низомий номли ЎМПУ. Тошкент шаҳри  
[umidamurodovaa@gmail.com](mailto:umidamurodovaa@gmail.com)

#### **Аннотация**

Ушбу мақолада тарбиянинг бош мақсади, ўзбек халқининг ёш авлодни ҳаётга тайёрлашда қўллаган усул ва воситалари, урф-одатлари ҳақида ёритилган. Шунингдек, шарқнинг буюк алломалари томонидан таълим ва тарбия масалаларига алоҳида эътибори ва фикрлари келтирилган.

#### **Аннотация**

В данной статье описаны основная цель образования, методы, средства и традиции, используемые узбекским народом для подготовки молодого поколения к жизни, а также особое внимание и мнения великих ученых Востока по вопросам образования и воспитания.

#### **Annotation**

This article describes the main goal of education, methods, means and traditions used by the Uzbek people to prepare the younger generation for life, as well as the special attention and opinions of the great scientists of the East on issues of education and upbringing.

**Калит сўзлар;** қадрият, идрок, ахборот, урф, одат, меҳнатсеварлик, жанговорлик, ахлоқ-одоб, нафосат, дўстлик.



## **International Conference on Education, Psychology and Humanities**

Hosted Online from Moscow, Russia

Date: 28<sup>th</sup> February, 2026

Website: <https://econferencia.com>

**Ключевые слова;** ценность, восприятие, информация, традиция, привычка, трудолюбие, боевой дух, мораль, элегантность, дружба.

**Keywords;** value, perception, information, tradition, habit, hard work, morale, morality, elegance, friendship.

### **Тарбия-виждон иши, таълим эса фаннинг вазифаси.**

**В.Гюго**

Инсониятни комил инсон қилиб, уларни бахтли этган, юксакликка етаклаган бу - яхши тарбиядир. Тарбия-педагогика фанининг муҳим таркибий қисми бўлиб, тарбиявий жараённинг мазмуни, шакл, метод, восита ва усуллари ҳамда уни ташкил этиш муаммоларини ўрганади. Тарбиянинг бош мақсади - ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда, халқнинг бой миллий-маънавий, тарихий анъаналарига, урф-одатларига ҳамда унутилмас қадриятларига асосланиб ташкилий педагогик шаклдаги воситаларни ишлаб чиқиш ва уни амалда жорий этишдир.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси “Ёшлар Иттифоқи” ташкилотини қайта ташкил этиб, ёшлар тарбиясини йўлга қўйишга алоҳида эътибор берар экан, “Ёшлар бизнинг келажагимиз”- деган эдилар. Одоб – ахлоқ орқали, тарбияни маънавий тафаккурни ва юксак онгни шакллантирар эканмиз, комил инсонда фақат яхши муносабатни йўлга қўйиш, яхши муомала қилишга ўргатилади. Аста–секин бу ҳолат унда одат (рефлекс)га айланади. Шундай экан, ҳозирги ёшларимиз маънавий комил инсон фазилятларини тарбиялаш ва уларнинг ўзларида шакллантириб бориш лозимдир. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев айтганларидек, “Ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам ғоят муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган”. “Халқ сўзи” газетаси 2017 йил 1 июль. Инсон шахсининг



## **International Conference on Education, Psychology and Humanities**

Hosted Online from Moscow, Russia

Date: 28<sup>th</sup> February, 2026

Website: <https://econferencia.com>

камол топиши жуда мураккаб ва узлуксиз жараён давомида шаклланади, унинг тарбиясига ота-онаси, мактаб, маҳалла, дўстлари, жамоат ташкилотлари, атроф муҳит, оммавий ахборот воситалари, санъат, адабиёт, табиат ва ҳокозолар бевосита таъсир кўрсатади.

Юқоридаги барча ҳаётий эҳтиёжларни вужудга келтиришда ўзаро ҳамкорликнинг таъсир доираси орқали шахсни тарбиялаш ва тарбиянинг бирлигини таъминлаш катта аҳамиятга эга.

Тарбия кишилиқ жамияти пайдо бўлиши билан бошланди ва ривожланиб борди. Бола туғилиши биланоқ ота-онасининг парвариши орқали атроф-муҳит билан танишади.

Тарбия - аниқ мақсад ва тарихий тажриба асосида ёш авлод онгини ҳар томонлама ўстириш ва уларнинг дунёқарабини камол топтириш жараёнидир. Тарбия жараёни ўқитувчи ва ўқувчи (тарбиячи ва тарбияланувчи)лар ўртасида ташкил этилувчи ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамкорлик жараёнидир. Тарбия жараёнида тарбияланувчининг онги шакллана боради, ҳис-туйғулари ривожланади, ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган ижтимоий алоқаларни ташкил этишга хизмат қиладиган хулқий одатлар ҳосил бўлади. Тарбия жараёнида болаларнинг ҳаёти ва фаолиятини педагогик жиҳатдан тўғри уюштириш ғоят муҳимдир. Фаолият жараёнида бола ташқаридан келаётган тарбиявий таъсирларга нисбатан маълум муносабатда бўлади. Бу муносабат шахснинг ички эҳтиёж ва хоҳишларини ифодалайди. Психолог ва педагогларнинг тадқиқотлари шахсга ташқи омилларнинг (хоҳ салбий, хоҳ ижобий) таъсири боланинг уларга муносабатига боғлиқлигини кўрсатади. Бола фаолиятини уюштиришгина эмас, балки тарбияланувчининг бу фаолиятга нисбатан турли кечинмаларни қандай англаши, баҳолаши, ҳис қилиши, улардан ўзи учун нималарни олаётганлигини билиши зарур. Зеро, тарбия ижтимоий



## **International Conference on Education, Psychology and Humanities**

Hosted Online from Moscow, Russia

Date: 28<sup>th</sup> February, 2026

Website: <https://econferencia.com>

муносабатларнинг мураккаблашиб бориши асосида кечади. Тарбия жараёнида ўқувчининг онгигина эмас, балки ҳис-туйғуларини ҳам ўстириб бориш, унда жамиятнинг шахсга қўядиган ахлоқий талабларига мувофиқ келадиган хулқий малака ва одатларини ҳосил қилиш лозим. Бунга эришиш учун ўқувчининг онги, ҳиссиёти ва иродасига таъсир этиб борилади. Агар буларнинг бирортаси эътибордан четда қолса, мақсадга эришиш қийинлашади. Тарбия жараёнига ўқитувчи раҳбарлик қилади.. У ўқувчилар фаолиятини белгилайди, уларнинг ижтимоий жараёнда иштирок этишлари учун шарт-шароит яратади.

Инсонни шаклланишига салбий таъсир кўрсатадиган муҳитдан яъни ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, кашандалик ва бошқа иллатлардан ҳимоя қилиш эса ниҳоятда мураккаб жараён.

Ўзбек ҳалқининг ёш авлодни ҳаётга тайёрлашда қўллаган усул ва воситалари, тадбир шакллари, ўзига хос урф-одати ва анъаналари, тарбия ғоялари ва ҳаётий тажрибаси йиллар давомида мукамаллашиб келди. Ҳали тарбия муассасалари бўлмаган даврдаёқ, қабила аъзоларининг болаларда меҳнатсеварлик, жанговорлик, ахлоқ-одоб, нафосат, дўстлик, меҳр – шафқатлилик, инсонпарварлик хислатларини шакллантириш ва ўстириш соҳасидаги ақл – идроки ва усуллари ўша доаврдаги ҳаётий тажрибанинг меваси сифатида ижтимоий ҳаётга боғлиқ ҳолда шаклланди ва ривожланди. Бола, асосан, оила муҳитида тарбияланиб, инсон сифатида шаклланади. Тарбия эса ҳаётнинг энг муҳим тергаги, яъни таянчи ҳисобланади. Ҳар бир болани шундай тарбиялаш лозимки, у, аввало, яхши ўқиши ва сўнгра эса, ёзишни ўрганиши билан энг юксак поғонага кўтарилсин.

Маълумки, шарқнинг буюк алломалари таълим ва тарбия масалаларига алоҳида эътибор беришган. Абу Али Ибн Сино ҳам мазкур устивор масалаларга доир бир қанча асарлар, ўзидан бой илмий мерос қолдирган.



## **International Conference on Education, Psychology and Humanities**

Hosted Online from Moscow, Russia

Date: 28<sup>th</sup> February, 2026

Website: <https://econferencia.com>

Ибн Сино болани мактабда ўқитиш ва тарбиялашга катта аҳамият берган. У ўзининг “Тадбир ул-манозил” асарида болани мактабда ўқитилиши ва тарбияланиши ҳамма болалар учун тегишли эканлигини таъкидлаган. Ибн Синонинг қимматли фикрларидан бири шундан иборатки, у тарбия масалаларига бағишланган асарларида ўқитувчини ролига катта эътибор билан қараган, тарбиячи танлаш муҳим масала деб ҳисоблаган. У бола б ёшга тўлиши билан уни ўқитувчининг тарбиясига беришни тавсия қилади.

Бундан ташқари, Ибн Сино таълим тарбия жараёнида оиланинг муҳим роль ўйнашини таъкидлаган. Оила тарбиясида ота-оналар амалий ҳамда назарий иштирокчи эканлигини яхши билишлари зарур.

Буюк мутафаккирларнинг фикрича, тарбиячи болалар билан муомалада босиқ бўлиши, ўқувчилар таълимни қандай ўзлаштираётганини кузатиб бориши, ўқитиши ва тарбия жараёнида ҳар хил усулларни қўллаши, ўқувчининг хотираси ва бошқа ақлий қобилиятини билиши, болаларни тарбиялашда тегишли жазо чораларини қўллаши, уларни фанга қизиқтириши, аниқ адабий тилда тушунтириши болаларда ҳиссиёт уйғотадиган бўлиши зарур. Таълим-тарбия ҳақидаги бу фикрлар ёш авлодни комил инсон қилиб вояга етказишда хизмат қилади.

Ҳозирги пайтда баъзи оилаларда фарзандлар тарбиясига қараб тарбиячининг яъни ота-онанинг қанчалик тарбияга эга эканлигини билиб олиш мумкин.

Абу Али ибн Синонинг фикрича, инсоннинг ақлан баркамол, жисмонан етук, ахлоқий – маънавий бой бўлишида тарбиянинг барча турларини уйғунлашган ҳолда олиб борилиши катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди.



## **International Conference on Education, Psychology and Humanities**

Hosted Online from Moscow, Russia

Date: 28<sup>th</sup> February, 2026

Website: <https://econferencia.com>

Тарбиянинг фанининг асосий вазифаси—шахснинг ақлий, ахлоқий эркин фикрловчи ва жисмоний ривожланиш, унинг қобилиятларини ҳар томонлама очиш учун имконият яратишдир. Бунинг учун:

- ёшларни эркин фикрлашга тайёрлаш;
- ҳаёт мазмунини тушуниб олишга қўмаклашиш;
- ўзини ўзи идора ва назорат қила билишни шакллантириш;
- ўзининг шахсий турмушга мақсадли ёндашуви;
- уларда режа ва амал бирлиги ҳиссини уйғотиш;
- ўқувчиларни миллий, умуминсоний қадриятлар ва ватанимизнинг бой маънавий мероси билан таништириш;
- маданий ҳамда дунёвий билимларни эгаллашга бўлган талабларни шакллантириш - малака ҳосил қилдириш, тобора ўстириб-бойитиб бориш ва эстетик тушунчаларни шакллантириш;
- ҳар бир ўсмирнинг билимдонлигини ва ижодий имкониятларини аниқлаб, уларни ривожлантириш керак.

Ёшлар фаолиятини турли соҳаларида жорий қилиб кўриш лозим. Болалар ижодини, иқтидорини юзага чиқариш ва янада қўллаб-қувватлаш учун доимо шарт-шароитлар яратиб беришимиз зарур. Фарзандларимизда инсонпарварлик одоби меъёрларини шакллантириш, бир-бирини тушунадиган, ўзаро меҳрибонлик, ирқий ва миллий камситишларга тоқатсизлик, ва муомала одобини ўргатиб, уларнинг онгига сингдириб борилади.

Тарбиянинг аввало турган ўрни уйда, оила ичида, кейингиси мактаблардадир. Шундай бўлса ҳам, лекин тарбия энг кўп оилавий муҳитга ва ота-онага тегишлидир. Тарбиянинг яхши бўлиши тарбиячиларнинг нечоғлик етук бўлиши уларнинг етарли даражада тарбия кўрганлигига боғлиқдир. Ёшлар, жумладан талаба–ўқувчилар, вояга етмаганлар таълим –



## **International Conference on Education, Psychology and Humanities**

Hosted Online from Moscow, Russia

Date: 28<sup>th</sup> February, 2026

Website: <https://econferencia.com>

тарбияси билан шуғулланувчи муассасалар, идоралар, комиссиялар, маҳаллий ташкилотлар тарбиявий ишларни амалга оширишда изчиллик ва назоратни тўла таъминлаганлиги натижасида ҳуқуқбузарлик, ақидапарастлик иллатларининг олдини олинаяпти.

Мамлакатда кишиларни маънавий – ахлоқий тарбиясига алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки жамиятимизнинг бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиши инсонларни у ёки бу соҳада тадбиркорликка ундамоқда. Тадбиркор инсон эса табиат, жамият ва инсонлар билан ҳар хил маънавий – ахлоқий муносабатларда бўлади. Ҳар қандай тадбир ёки илмий – техник ижодкорлик асосида маънавий – ахлоқий қадриятлар туради. Шу боисдан ахлоқий меъёрларни ҳисобга олмасдан қилинган ҳар қандай иш одамзотга ва жамиятга зиён келтиради.

Ахлоқнинг юксак бўлиши жамиятнинг бардамлиги ва миллатнинг бирдамлигини таъминлайди. Миллатда бирлик бўлиши барча инсонлар бир ёқадан бош чиқариб бардам жамиятга хизмат қилиши лозим. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлиши зарур. Акс ҳолда жамиятда жанжал, ур-йиқит, бемаъни тортишувлар, мурасасизликлар авжига чиқади. Натижада, бирдамлик йўқолади, ризқ-рўз камаяди. Демак, миллий бирлик, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш учун ахлоқий юксаклик муҳим. Мамлакатда улкан ислохотларни амалга ошириш, маънавий – ахлоқий баркамол инсонларни тарбиялаш, етиштириш бугун жамиятимиз олдида турган муҳим вазифадир.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ж. Ғ. Йўлдошев. Ўқитувчи маънавиятини шакллантириш – “Маърифат”. Т.: 2000 й.
2. Фахр – ул Банот Сибғатулоҳ қизи “Оила сабоқлари” – “Ёзувчи” нашриёти Т.: 1992 й.



## **International Conference on Education, Psychology and Humanities**

Hosted Online from Moscow, Russia

Date: 28<sup>th</sup> February, 2026

Website: <https://econferencia.com>

3. С. Очилнинг умумий тахрири остида “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” –“Маънавият” Т.: 2000 й. 322 б.
4. У.Д.Муродова. «Фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди» “Мактаб ва Ҳаёт” журнали 4-сонида 2020йил.
5. У.Д.Муродова. Тарбия-ҳаётнинг муҳим тергаги. “Мактаб ва Ҳаёт” журнал №5 2010 й.
6. У.Д.Муродова, Ф.А.Бахрамова. Яхши тарбия-мустаҳкам оила пойдевори. “Муҳофаза+” журнали 2011 №11
7. О.Хасанбоева, Ж.Хасанбоев, Ҳ.Ҳомидов “Педагогика тарихи” – “Ғафур Гулом” нашриёти- матбаа ижодий уйи Т.: 2004 й. 415 б.
8. Худойкулов.Х.Ж. Холов.О.Ч. Тарбиявий ишлар методикаси (ўқув кўлланма) Термиз-2020.